

УЙДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН БОЛАЛАРНИ САМАРАДОР ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ЭТИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

М.Х.Жўрахўжаев.

А. Қодирий номидаги ЖДПИ

Махсус педагогика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада уйда якка тартибдаги таълимга жалб этилган болалар ота-оналари, тиббиёт ва таълим ташкилотларининг ўзаро хамкорлик ривожи инклузив мухитга жалб этиш муаммоларининг ечими эканлиги ифодаланган.

Калит сўзлар: Уйдаги таълим, имконияти чекланган, хамкорлик, ривожланиш, интенсив, алоҳида эҳтиёжли, сенсор, хуқуқий-меъёрий, реабилитация.

Аннотация:

В статье говорится, что развитие сотрудничества между родителями детей, занимающихся индивидуализированным обучением на дому, развитие сотрудничества медицинских и образовательных учреждений является решением проблемы включения в инклузивную среду.

Ключевые слова: Домашнее образование, инвалидность, сотрудничество, развитие, интенсивная терапия, особые потребности, сенсорная, юридическая, реабилитация.

Бугунги кунда имконияти чекланган болаларни сони дунё бўйича икки юз миллиондан ортиб кетди. Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масаласи халқаро ташкилотлар томонидан кенг тадқиқ этиб келинмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда махсус ёрдамга мухтож болаларга бўлган муносабат ва ғамхўрлик дунё миқёсида кескин ўзгара бошлади.

Дунёда болалар хуқуқ ва манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган БМТнинг “Халқаро Оила куни” резолюцияси, ЮНЕСКОнинг “Болалар хуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси, “Минг йиллик ривожланиш” ҳамда “Болалар ҳаёт кечириши учун мақбул дунёни яратиш тўғрисида”ги декларациялари, миллий қонунчиликда болалар манфаатларини муҳофаза этишнинг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, имконияти чекланган болалар учун мос ва сифатли

таълимни ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Республикамиз Халқ таълими тизимида мазкур тоифадаги болаларга таълим-тарбия беришнинг турли шакллари йўлга қўйилган. Мазкур таълим шаклларининг асосий вазифалари имконияти чекланган болалар учун комплекс ривожланишнинг мақбул моделини шакллантириш орқали шахсни тарбиялаш ва ўқувчиларнинг ижтимоий-хиссий ривожланишлари, ҳаётий қобилияtlарининг шаклланиши учун зарур коррекцион-ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: ”.... “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [1] каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада имконияти чекланган болаларни ўқитишининг мақбул ва қулай шаклини қўллаш, бу жараён мазмунини, механизмаларини такомиллаштириш, имконияти чекланган болалар ни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг маҳсус методикаларини ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 30 июнда 2691-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг “Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860 сонли “Алоҳида таълим эҳтиёjlари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли

бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, жумладан, ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим-тарбия бериш жараёнининг турли жиҳатлари В.Рахманова, П.Пулатова, Г.Садикова, М.Хакимова, Д.Нуркелдиева, М. Хамирова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсаидова, Н.Мусаева томонидан ўрганилган. Жумладан, Л.Нурмухамедованинг “Оилада ногирон фарзандни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи маҳсус тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан А.П.Азаровнинг илмий-тадқиқот ишларида муаммонинг назарий жиҳатлари ўз ифодасини топган бўлса, М.И.Буянов, И.В.Гребенников, Е.П.Ильин, И.Ю. Кульчицкая, М.Г.Личутина, И.Ф.Харламов, И.Н.Чернова, С.Штейнларнинг педагогик тадқиқотларида оила ва болаларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган фаолият мазмуни кабилар илмий ўрганилган.

Оила тарбияси ва имконияти чекланган болаларни оиласда ўқитиш ва ҳаётга тайёрлаш масалалари хорижлик олимларидан Э.Ле Шам, Бенжамин Спок, Ада Делла Торре, Мария Земска Клинтон Хиллари Родем, А.С.Kinscy, W.B.Pomeroy, C.E.Martin, A.K.Kreutner, Judi Hall кабилар томонидан ўрганилган.

Уй шароитида олиб бориладиган таълим шакли деганда биз имконияти чекланган болаларга тузатувчи-ривожлантирувчи , ижтимоий-педагогик, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатадиган , оилавий муҳитда олиб бориладиган кўп функционал таълим ва тарбия тизимини тушунамиз.

Имконияти чекланганлик тушунчаси ҳаётнинг чекланишига олиб келадиган ва ижтимоий ҳимояни тақозо этадиган касалликлар, шикастланиш оқибатлари ёки нуқсонлар натижасида вужудга келган функцияларининг доимий бузилиши билан соғлиғи бузилган шахслардир.

Имконияти чекланганлик жисмоний, психологик, ҳиссий, ижтимоий, маданий ва бошқа түсиқлар туфайли имконияти чекланган шахснинг жамият билан бирлашишига ва унда фаол ҳаёт кечиришга тўсқинлик қиласиган имкониятларнинг чекланиши сифатида талқин этилади.

Бола имконияти чекланганлигининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳаёт фаолиятининг чекланиши юқори ақлий функцияларни шакллантириш, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, шахсни шакллантириш пайтида юзага келади. Шу маънода, болаларнинг имконияти чекланганлиги жиддий муаммо ҳисобланади, чунки у нафақат шахснинг намоён бўлишига, балки умуман унинг шаклланишига чекловлар қўяди. Имконияти чекланган болаларга нисбатан "алоҳида эҳтиёжли болалар" ва "имконияти чекланган болалар" атамалари синоним сифатида ишлатилади.

Республикамизда имконияти чекланган узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган 13300 нафар мактабга қатнаш имкони бўлмаган қуйидаги 4 та турда ажратиб кўрсатилган яъни: 1) соматик касалликлари; 2) психоневрологик касалликлари; 3) хирургик касалликлари; 4) тери касалликлари мавжуд бўлган болалар уйда якка тартибдаги таълимга жалб этилганлар. Мактабдаги юкламаларни бажариш соғлом бола учун осон иш эмас, демак оғир касал болалар учун улар булар баъзан чидаб бўлмас ҳолга келади.

Уйдаги таълимнинг ижобий томонлари - бу болага ишлаш имкониятини берадиган индивидуал режаси ва таълим тезлиги; нафақат кун давомида балки бутун хафта давомида доимий равишда чекланган индивидуал юкламалар билан белгиланади.

Бола билан индивидуал иш олиб бориш унинг иш суръати, меҳнат қобилияти, чарчоқ ва бошқаларни ҳисобга олишга имкон беради, шунингдек, имконияти чекланган болалар ва ўспириналарни жамият ва мактабдан ажратилишини қоплайди.

Турли хил соғлиқ муаммолари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялашни ўз ичига олган маҳсус таълим: ҳиссий, интеллектуал, нутқий, моторли,

эмоционал-иродали ривожланишдаги оғишларда уй шароитида таълим муҳим ўрин тутади. [2].

Уйда болага дарс берадиган ўқитувчи ўқувчи билан кўп ҳолларда якка тартибда кўп вазифаларни бажаради, лекин уларни ҳал қилиш учун маълум психолого-педагогик даражадаги тайёргарлик ва аниқ тузатиш ва ривожлантириш қобилияtlари керак, шунингдек тизимда ўқитувчи - ўқувчи - ота-она шахсларро муносабатларнинг маҳсус тизими니 барпо этиш керак. [3].

Психолого-педагогик адабиётлар ва маҳсус тадқиқотлар таҳлили шуни хulosса қилишга имкон берадики: ҳозирги вақтда уй шароитида таълимни тартибга соловчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар нашр этилган, амалий иш тажрибаси тўпланган аммо таълим муассасасида қатнаша олмайдиган ўқувчи билан тузатиш ва ривожлантириш ишлари, уйда таълим мининг илмий асосланган самарали моделлари мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча уйда таълим сифат самарадорлигини ошириш ва уйда ўқиётган болалар ва ўспириналарнинг ижтимоийлашуви муаммосини ҳал қилиш учун бу масалалар ечими ишлаб чиқилиши керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда уйда болаларни ўқитишининг замонавий амалиёти-ўқитишининг номукаммал шакллари ва мазмуни, суръати, воситалари ва усуллари билан боғлиқ бир қатор қийинчиликларни бошдан кечирмокда ;

-узоқ муддатли касал болаларнинг саломатлиги ҳолати ва когнитив қобилияtlарининг ривожланиш даражасини ҳисобга оладиган таълим дастурлари ва ўқитиш технологияларининг етарли эмас;

-шахсий компьютер ва ахборот технологиялари имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

- умумтаълим муассасаларида уйда индивидуал равишда тузатувчи ва ривожлантирувчи таълимни олиб боришга қодир бўлган малакали педагог кадрлар мавжуд эмас, шунингдек, ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар

учун, шу жумладан интеллектуал ривожланишида нуқсони бор ўқувчилар учун уй таълими муаммоси бўйича маълумот етарли даражада эмас.

Шундай қилиб, республика миқёсида уй таълими бўйича етарли даражада назарий тушунишни ва амалий амалга оширишни талаб қиласиган бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда имконияти чекланган ўқувчиларни уйда ўқитиш бўйича чет элда маълум тажриба тўпланган. Ушбу тажриба жаҳон педагогикасининг муҳим таркибий қисми сифатида қўшимча ўрганишни ва такомиллаштиришни, тузилишини талаб қиласиди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
2. Қодирова Ф.У. Мактаб ва оила ҳамкорлиги масалаларининг малака ошириш курсларида ҳал этилиши орқали ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга эришиш:// “Малака ошириш тизимида бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар”. Тошкент ВХТҲҚТМОИ, Республика илмий-амалий конференция материалари тўплами. Тошкент, 2017. –Б. 89-92.
3. Интерфаол ўкув муҳити имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш омили сифатида// “Халқ таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда педагогик инновациялар”. А.Авлоний номидаги ХТҲҚТМОМИ. Республика илмий-амалий конференция материалари тўплами. Т., 2013. –Б. 239-241.
4. Muzaffarova, X. (2020). THE CORRECTIVE IMPORTANCE OF INCLUSIVE EDUCATION FOR CHILDREN WITH DISABILITIES. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(94)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2537
5. Muzaffarova, X. (2020). ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ПЕДАГОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА. *Архив Научных Публикаций*

- JSPI, 1(92).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7483
6. Muzaffarova, X. (2020). АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР БИЛАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВЛАР: UZ AKADEMIYA. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7485
7. Muzaffarova, X. (2020). Oligofrenopedagogikada foydalaniladigan tadqiqot metodlari. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6710
8. Muzaffarova, X. (2020). Ўзбекистонда баклабр педагогларни тайёрлашнинг инновацион моделлари. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6707
9. Muzaffarova, X. (2020). Pedagogik texnologiyalar va ularni maxsus ta'lim mussasalariga tadbiq etish . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6711
10. Muzaffarova, X. (2020). DIZARTRIYANI BARTARAF ETISH BO'YICHA OLIB BORILADIGAN LOGOPEDIK TA'SIR TIZIMI. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(90)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6306
11. Muzaffarova, X. (2020). БАДИЙ АДАБИЁТ - БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(88)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6825
12. Muzaffarova, X. (2020). Aqliy rivojlanishida muammosi bo'lgan kichik maktab yoshdagi o'quvchilarning eshitish idrokini rivojlantirishda didaktik o'yinlardan foydalanish . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(81)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6724

13. Muzaffarova, X. (2020). Maxsus mакtablarida ma`naviy-ma`rifiy ishlarning o‘ziga xosligi . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(81). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6727
14. Muzaffarova, X. (2020). ESHITISHIDA NUQSONI BOR O’QUVCHILARIGA ARIFMETIK AMALLARNI BAJARISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH USULLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(81). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6750
15. Muzaffarova, X. (2020). Duduqlanuvchi bolalar bilan olib boriladigan logopedik - korreksion ishlarni to‘g‘ri tashkillashtirish usullari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6731
16. Muzaffarova, X. (2020). Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejallashtirish va ularga bo‘lgan talablar . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6737
17. Muzaffarova, X. (2020). Логопедик машғулотларда болалар сўз бойлигини ошириш бўйича тавсиялар. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6743
18. Muzaffarova, X. (2020). Duduqlanish va uni korreksiyalash bo'yicha olib boriladigan logopedik ishlar : Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва инновацион технологияларни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари 2019 йил 17-18 май 305 бет . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(72). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6304
19. Muzaffarova, X. (2020). Dizartriyani bartaraf etish bo'yicha olib boriladigan logopedik ta'sir tizimi : Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва инновацион технологияларни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари. 2019 йил 17-18 май 307 бет . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(70). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6308
20. Muzaffarova, X. (2020). Ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари: Ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан

- фойдаланиш масалалари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(39). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6017
21. Muzaffarova, X. (2020). Boshlang'ich sinf o'qituvchisining pedagogik maxorati . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(14), 1-1. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3790
22. Muzaffarova, X. (2020). MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA MEDIATA'LIMNI JORIY ETISH: «MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS». *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(09), 9. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2712
23. Muzaffarova, X. (2020). INTELLEKTIDA NUQSONI BO'LGAN MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(09), 9. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2708
24. Muzaffarova, X. (2020). Мактабгача таълим жараёнига мультимедиа технологиясини татбиқ этиш. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(9). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/843
25. Muzaffarova, X. (2020). Aqli zaif o'quvchilarning muloqot munosabatlarining pedagogik – psixologik asoslari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/591
26. Muzaffarova, X. (2020). Инклузив таълим - ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим омили сифатида. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/602
27. Muzaffarova, X. (2020). INTELLEKTIDA NUQSONI BO'LGAN MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/231
28. Muzaffarova, X. (2020). Identification of mentally retarded children: Identification of mentally retarded children. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(1).

- JSPI*, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/556
29. Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
30. Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 31.** Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*
32. Qodirova, M. (2020). Voyaga yetmagan o'smirlar xulq atvorini shakllantirishda olib boriladigan ishlar mazmuni. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
33. Qodirova, M. (2020). Особенности периода взросления подростка. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
34. Qodirova, M. (2020). Bolalar idrokini rivojlanirishda mashg'ulotlarning o'rni. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
35. Qodirova, M. (2020). Psixologiya fanlarini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
36. Qodirova, M. (2020). РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
37. Qodirova, M. (2020). KICHIK MAKTAB YOSHI 0 'QUVCHILARINI HAR TOMONLAMA SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSfSIYATLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
38. Qodirova, M. (2020). Shaxsning ichki konfliktlari va mexanizmlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.